

Ислоннинг энг аввалги элчиси



16:32 / 01.04.2021 2798

Уҳуд ғазоти тугагач мусулмонлар ўзларидан шаҳид кетганларни қидира бошладилар ва қонга беланган, икки қўли узилган, юз кўринишидан дунёдан кўз юмишидан аввал машаққатли ҳаёт кечирганлиги билиниб турган бир йигитни топдилар. Мусулмонлар уни кафанламоқчи бўлган вақтларида жасадини тўлиқ ёпишга етарли бўлмаган бир **бурда** (чопон) дан бошқа нарса топа олмадилар. Агар у билан бошини ўраймиз десалар, икки оёғи очилиб қолар, икки оёғини ўрамоқчи бўлсалар, боши очилиб қолар эди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам **изҳир** (хушбўй ҳидли ўсимлик) билан ўрашга амр қилдилар.

Хўш, нима учун дунёдан кетар чоғи кафанлиги жасадини ёпишга ҳам етмай қолган ушбу йигит ҳақида эсланмоқда?

Нима сабабдан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ва бошқа саҳобалар унинг вафотидан жуда қаттиқ маҳзун бўлдилар?

Бундан бир неча йил аввал...

Моддий имконияти кенг, Маккадаги Қурайш қабиласига мансуб оиладан чиройли, нозик табиат, хушрўй юзли, Маккадаги энг сара либосларни кийиб юрувчи, энг яхши атирлар билан хушбўйланувчи бир йигит чиқди. Бу йигит Ислон рисолатини эшитгач таъсирланди ва даъватдан қаноат ҳосил қилиб Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам қўлларида нубувватнинг дастлабки йилларида иймонга келганини эълон қилди.

зиммасига тушди. Бас, биздан ажридан бирор нарсани емай ўлганлар ҳам бўлди. Биздан кимнингдир меваси пишиб етилди ва ул уни териб олди. Мусъаб ибн Умайр ўлганда биргина кийимдан бошқа нарсани қолдирмади.

У билан бошини ёпсалар, икки оёғи очилиб қолди. У билан оёқлари ёпилса, боши очилиб қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У билан бошини ёпинглар, оёқларига изхир ўсимлигидан қўйинглар», деб амр қилдилар».

Термизий саҳиҳ санад ила ва Бухорий ривоят қилганлар.

Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу шаҳиди аъло бўлганларида ёшлари қирқда эди.

Уламоларимиз: «Аллоҳ таолонинг «Аҳзоб» сурасидаги: **«Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ қолган кишилар бордир. Бас, улардан ажалини топганлар ҳам, интизор бўлиб турганлар ҳам бордир. Улар (бирор нарсани) алмаштирмадилар» (23-оят)**, деган қавли айнан Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ва у кишининг шаҳид биродарлари ҳақида нозил бўлган», дейдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ва у киши билан бирга Уҳудда иймон йўлида шаҳид бўлган зотларни муносиб тақдирладилар. Ўша куни мусулмонлар учун катта мусибат етганига ва ўзларига катта қийинчиликлар ориз бўлганига қарамай, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жанг майдонида сочилиб ётган мурдалар ичидан Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг жуссаларини излаб, топдилар. У зот ўзларининг биринчи элчилари, биринчи даъватчилари ва биринчи байроқдорлари Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг қонга беланган муборак жасадларига алам билан назар солиб, туриб қолдилар. Сарвари оламнинг кўзлари Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг биргина эски чопонидан иборат кафанига ҳам тушди ва дарду алам билан шаҳиди аъло саҳобийга қараб:

«Сени Маккада кўрган эдим. Унда сендан кўра кийими рақиқроқ, сочи гўзалроқ одам йўқ эди. Энди бўлса сен сочинг тўзиган, биргина чопондасан», дедилар.

Сўнгра оламларнинг сарвари алайҳиссалом Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуга ва у кишининг шаҳид биродарларига қарата:

«Аллоҳнинг Расули шоҳидлик берурки, албатта, сизлар қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузуридаги шоҳидларисиз», дедилар.

Бу сўзларни айтиб бўлганларидан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тирик қолган саҳобаи киромларга мурожаат қилиб:

«Сизлар уларни зиёрат қилинглар. Уларнинг ҳузурларига келиб туринглар. Уларга салом бериб туринглар. Менинг жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, қиёматгача қай бир салом бергувчи уларга салом берса, албатта, улар алик олурлар», дедилар.

Бир йил ўтганидан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам яна келиб, Уҳуд шаҳидлари қабри устида худди тобутдаги маййитга жаноза ўқигандек жаноза ўқидилар.

Аллоҳ таоло Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуни Ислом динига қилган мардонаворлиги ҳамда қурбонлиги эвазига хайрли мукофоти ила мукофотласин!

**«Ҳадис ва ҳаёт» ва «Ислом умматининг 100 буюк шахси» асарлари
асосида
Хуршид Маъруф тайёрлади**